



МАКТАБГАЧА БОЛАЛАРДА АУТИЗМ ВА УНИ ДАВОЛАШНИНГ
ПЕДАГОГИК МЕТОДЛАРИ

Эгамбердиева Нодира Мелибаевна

Мухитдинова Дилдора Алишер кизи

“Оила ва Гендер” илмий тадқиқот институти

Аннотация: Бугунги кунда аутизм касаллиги дунё бўйлаб кенг тарқалиб бораётган касалликлардан бир ҳисобланади. Бутун дунё олимлари, медиклар, психологлар, соҳа мутахассислари томонидан тинмсиз изланишлар олиб борилмоқда. Қўйида касалликнинг пайдо бўлиши сабаблари, унинг турлари, таъхис қўйиши ва мутахассисларни тайёрлаш йўллари ҳамда даво терапияларининг ижтимоий-педагогик методлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: аутизм синдроми, нутқ ривожси, ҳиссий алоқа, таъхис, ижтимоий муносабатлар, коммуникатив кўникмалар узилиши, АВА терапияси.

Аутизм – XXI аср эпидемияси деб аталмоқда. Бугун дунёдаги болаларнинг 1 % да аутизм мавжуд. Шунга қарамай у хали яхши ўрганилмаган. Кўпгина мамлаатларда унинг диагностикаси ривожланмаган. Олимлар аутизмнинг она сайёрмиз бўйлаб сезиларли даражада ошиб бораётганини таъкидламоқдалар.

Аутизм - бу одамнинг ижтимоий мослашуви, нутқ функцияси, ақлий риводланишининг бузилиши билан боғлиқ касаллик. Болалар аутизмнинг эрта ташхиси уни даволашда яхши натижалар олиб келади. Аутизмни тан олиш ва даволаш осон кечмайди. Уни ўз вақтида аниқлаш ва тузатиш, энг аввал ота-онанинг зийраклиги, зукколигини талаб этади.

Бу касалликни даволаш жиддий изланишларни талаб этади. Болалар аутизмни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳимдир. Унинг ўзига хос като симптомлари мавжуд:

- Нутқ бузилиши – аутист болаларнинг баъзилари умман гапирмайд, ўз тенгқурларидан орқада қолади, икки ёшгача камчиликлар билинмайди бироқ икки ёшда улар сўзни сўзга ўша олмайдилар...

- Ота-она билан ҳиссий алоқа бўлмайди, аутизм билан касалланган болалар одамлар кўзига қарамайди, кўзини олиб қочади, ота-онасининг кўтаришига, кучоқлашига қаршилик кўрсатадилар...

- Бошқа одамлар олдида ноқулайлик сезадилар, ўз тенгқурлари билан ўйнамайдилар, кўпчилик билан муносабатга кириш олмайдилар...

- Ҳар қандай омадсизли уларни стресс ҳолатига келтиради,..

- Ўйинчоқларга сустлик мавжуд бўлади...

Аутизм билан касалланган болалар тарбиясида:

- Ижтимоий муносабатларда қийинчилик;



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



- Ўзаро муносабатлар (коммуникатив) бузилишлар;
- Такрорий, стереотипли ҳатти-ҳаракатлар кузатилади.

Бугунгикунга келиб дунё олимлари аутизм касаллигининг сабаби генетика билан боғлиқ эканига тўхталмоқдалар. Юқоридаги қайдлардан қатъий назар аутизм касаллиги у қадар қўрқинчли эмас. Мутахассислар таъкидига кўра, эрта ташхис қўйилиб, ўз вақтида таълимий, ижтимоий ва ахлоқий ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда бу касаллик устида олиб борилиши лозим бўлган дастурлар ишлаб чиқилган. Касалликни тўғри даводлаш учун чора-тадбирларни тўғри йўлга қўйиш тақозо этилади. Булар:

- АБС касаллиги бўйича мутахассисларин жалб қилиш;
- Болалар поликлиникалари қошида маслаҳатхоналир ташкил қилиш;
- Ушбу масканларда АБС ҳақида маълумот берувчи брошюра ва стендлар ташкил қилиш;
- Унинг дастлабки симптомларини аниқлашда ота-оналарга ёрдам берувчи ва йўналтирувчи малакали ҳодимларни тайёрлашни тез йўлга қўйиш.
- Европа мамлакатларида йўлга қўйилган интенсифик эрта терапия йўналишини шакллантириш;
- АВА терапия (амалий ўқув усули) ривожлантириш.

Аутизм касаллигини даволаш борасидаги методлар кун сайин ортиб бормоқда, уларнинг мукамаллашуви бу касалликни енгишга катта имкониятлар эшигини очиб боради. Кичик-кичик ижобий таъсирлар кундалик ҳаётдаги мураккаб жараёнларни енгиб, тушуниб боришга жалб қилинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир аутист боланинг ота-онаси фарзанди чун ўқув методини тўғри танлаши ва узлуксиз равишда шуғулланиш ишларини олиб боришлари, бу соҳа мутахассислари билан биргаликда олиб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, ҳар бир аутист бола ўз қарашларига, қизиқишларига, истеъдодига, кўнкмаларига, қийинчиликларга ва имкониятларга эга бўлган ШАХСдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дети с аутизмом. (Текст) П. Сатмари; пер с англ. З. Замчук. – Санкт-Петербург: Питер, 2005. – 224 с.

2. Детские нарушения общения: ранний детский аутизм (Текст) учеб. издани / К.С. Лебединская, О.С. Никольская, Е.Р. Баенская, М.М. Либлинг, Р.К. Ульянова, Т.И. Морозова. – М.: Просвещение, 1990 - 197с.

3. Эмоциональные нарушения в детском возрасте и их коррекция // В.В. Лебединский, О.С. Никольская, Е.Р. Баенская, М.М. Либлинг – М.: Мамайчук. Санкт-Петербург: Речь, 2001-219с.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



4. Аутизм у детей. В.Е.Каган. Россия, издательство:»Смысл», 1981 / 2020.
5. Аутические наущения аффертивного контакта. Лео Каннер. Перевод с английского В.Е.Кагана. Даллас, США, 2010.-33.с.
6. Avezova, D., & G'ulomova, S. (2024, November). O'QUVCHILARDA MATN YARATISH KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VA UNING ILMIY ASOSLARI. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON INTERDISCIPLINARY SCIENCE (Vol. 1, No. 11, pp. 386-389).
7. AVEZOVA, D. ESSE-O 'QUVCHILARNING KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRUVCHI VOSITA. LTEACHIN ANGUAGE, 143.
8. Avezova, D. (2024). O 'QUVCHILARDA ESSE YOZISH MALAKASINI SHAKLLANTIRISH ZARURATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 4(20), 90-94.
9. Ишанова, Н. Р., & Назирова, З. Р. (2023). ПРЕПОДАВАНИЕ РУССКОГО ЯЗЫКА КАК НЕРОДНОГО СТУДЕНТАМ-ВЕТЕРИНАРАМ НА НАЧАЛЬНОМ ЭТАПЕ ОБУЧЕНИЯ. Science and innovation, 2(Special Issue 8), 1596-1598.
10. Ishanova, N. (2023). MAIN DIRECTIONS OF OPTIMIZATION OF TEACHING RUSSIAN AS A NON-NATIVE LANGUAGE TO VETERINARY STUDENTS. Science and innovation, 2(B8), 52-55.
11. Nargis, I. (2022). RUS TILINI O 'QITISHDA ZAMONAVIY INTEGRATIV METODLAR. ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA, 1(3), 73-76.
12. Adilova, A. S. (2021). Corpora and corpus-based teaching Uzbek to foreigners. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding (IJMMU), 8(4), 525-531.
13. Abdurahimovna, A. S. (2021, December). Tilshunoslik va tibbiyot integratsiyasi (AQSHdagi ayrim universitetlar misolida). In Conferences.
14. Adilova, S. A. O 'ZBEK TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O 'QITISH: TAJRIBA, MUAMMO, ISTIQBOL.
15. Ravshanova, N. N. (2023). Designing Modern Models of Biological Education Theories and Content in Educators. Telematique, 22(01), 3034-3040.
16. Ravshanova, N. N. (2020). THE PRINCIPLE OF CONTINUITY IN ENVIRONMENTAL EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(6), 369-374.
17. Norboyevna, R. N., & Shukurullaev, A. O. (2024). MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTIDA EKOLOGIK TEATRNI TASHKIL ETISH ORQALI EKOLOGIK KONSEPTUAL ASOSLARINI SHAKLLANTIRISH. Inter education & global study, (7), 158-164.
18. Ravshanova, N. N., & Norqulova, L. S. Q. (2023). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI EKOLOGIK TARBIYALASHDA IJTIMOYIY ZARURIYAT SIFATIDA. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(11), 685-692.